

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ




«ТАСДИҚЛАЙМАН»

УзДК ректори
К.Уринбаев

июль 2020 й.

«КЕЛИШИЛДИ»
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги



« _____ » 2020 й.

«КЕЛИШИЛДИ»
Маданият вазирлиги



2020 й.

5150700 – Чолғу ижроилиги (эстрада чолғулари) таълим
йўналиши негизидаги:

– 5A150702 - Чолғу ижроилиги (эстрада чолғулари)

магистратура мутахассислигига кирувчилар учун махсус
(ихтиосослик) фанларидан

Д А С Т У Р

Тошкент - 2020 й.

Аннотация

Дастур 5A150702 - чолғу ижрочилиги (эстрада чолғулари), магистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5150700 – чолғу ижрочилиги (эстрада чолғулари) таълим йўналишининг 2016/2017 ўкув иилида тасдиқланган ўкув режасидаги асосий фанлар бўйича тузилган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Х. Назаров – ЎзДК “Эстрада чолгу ижрочилиги” кафедраси мудири, доцент в.б.

Н. Нарходжаев – ЎзДК “Эстрада чолғу ижрочилиги” кафедраси профессори.

Дастур Эстрада санъати факультетининг 2020 йил 23 июндаги № 10-сонли Кенгаши йифилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

“Эстрада чолғулари ижрочилиги” фанини ўзлаштиришдан келиб чиқадиган вазифалар - абитуриентлар турли йўналишларда билимларга эга бўлганликларини ўзларининг ижро маҳоратини намойиш этишларидан иборатdir. Алоҳида эътибор профессионал даражали ижрони мукаммалаштиришга, уни юқори бадиий савияда кўрсатиб беришга қаратилиши керак. “Эстрада чолғулари ижрочилиги” фани юзасидан абитуриент давр талабига биноан дунёқараши кенг бўлган, яъни инсоният маданияти тарихи, ривожланиш поғоналари, хусусан, адабиёт ва санъат соҳасида теран фикр юритиш билан бирга, янги пайдо бўлган компьютерлар тизимидағи жаҳон мусиқий дастурлари юзасидан ҳам тушунча, тасаввур, билим ва кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Магистратура босқичи учун чолғу ижрочилиги (эстрада чолғулари) магистратура мутахассислиги бўйича таҳсил олмоқчи бўлган талабалар учун мўлжалланган. Дастур Давлат таълим стандартлариiga биноан санъат соҳасида магистрлар тайёрлаш ўқув режалари асосида тузилган ва ундан ишчи ўқув дастурларини тузишда фойдаланилади.

ЭСТРАДА ЧОЛҒУЛАРИ фани бўйича:

Эстрада чолғулари бўйича замон талабига жавоб берадиган, ҳар томонлама кенг билим доирасига эга бўлган, мустақил фикр юритадиган юқори малакали ижрочи ва ўқитувчи-мутахассислар тайёрлашдан иборат.

Фаннинг вазифаси - замонавий кенг дунёқараашга эга, янги ижро талқинларини яратишга мойил, ансамбль ёки оркестр бадиий жамоаларида ижодий фаолият олиб бориш, маданият ва санъат таълим муассасаларида малакали созанда-ижрочиларни тарбиялашга ўргатишдан иборат. Ўқитиш жараённида қуидагилар амалга оширилади:

- ижрочилик маҳоратини ошириш мақсадида, ҳар йили икки марта саҳнада якканавоз концерт беришлари; эстрада чолғуларида ўқитиш услубини ўрганиш;

- йирик шаклда ёзилган мураккаб асарларни, турли жанр ва йўналишдаги пьесаларни ижро этиш;

мустақил равишда янги асарларни ўрганиб, кафедрада тингловчиларга тақдим этиш;

Мазкур фанни ўзлаштириш натижасида талаба Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, малака ва кўникмага эга бўлиши назарда тутилади, хусусан:

- мусиқа асарларининг жанрлари ва шакллари;
- композициянинг илмий асослари,
- XX аср янги техник ифода воситалари;
- аранжировка хусусиятлари;
- чолғуларнинг характеристи, тембри, техник имкониятлари,

регистрлари ва диапазонлари;

- эстрада чолғуладидаги замонавий ижрочилар хамда ўтмишдаги машхур эстрада чолғулари ижрочилари;

- чолғулар ва вокал овозларнинг характери, тембри, техник имкониятлари, регистрлари ва диапазонлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- гармоник эшитиш қобилиятини ривожлантиришнинг илмий асосларини;

- турли замонавий йўналишларни;

- горизонтал ва вертикал гармоник тузилмани корректировка қилиш ва эгаллашни;

- ижрочилик маҳоратини мукаммаллаштиришни;

- ижрочиликдаги камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этишни;

- замонавий чолғу-техник усулларни;

- артистик маҳорат устида ишлашни;

- шахсий ижро этиш услубини ишлаб чиқишни;

- фортепиано санъатининг хусусиятлари, унинг ривожланиш тарихи хамда ўтмиш ва ҳозирги замон атоқли пианиночилар, гитарачилар ва бошқа ижрочиларнинг фаолиятини;

- импровизация техникаси ва импровизация қилувчи мусиқачи ижодий жараёнини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- импровизация малакаларини шакллантириш;

- ҳарф системасида эркин ижро этиш;

- артистик ва техник маҳорат устида ишлаш;

- гамма, арпеджио ва доминант септаккордларни ижро этиш;

- йирик шаклдаги асарларни ижро этиш;

- полифоник асарларни ижро этиш;

- замонавий стилистик йўналишлар техникасини эгаллаш;

- гомофон-гармоник тоифадаги асарларни ижро этиш;

- мураккаб партитураларни фортепианода ижро эта олиш;

- турли таркибдаги жамоалар (оркестр, хор, ансамбллар) билан ишлаш;

- турли касб намоёндалари билан ҳамкорлик қилиш;

- мусиқий асарларни бир таркибдан иккинчи таркибга мослаштириш;

- турли хил услуб, жанр ва шаклларга оид концерт дастурларини ижро этиш;

- эстрада концертларини олиб бориш, эстрада театрлари, шоу дастурларда чиқишлиар қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Осадчук Д, Б.Рич, Э.Файн, Д.Морелла. Школа игры на ударных инструментах. - М., 2003.
2. Питерсон О. «Джазовые упражнения и пьесы». - М., 1993.
3. Ш.Ганон. Упражнения, гаммы и арпеджио. - М, 1981.
4. О.Питерсон, Дж.Гершвин, Семлер-Коллери, П.Хиндемит, Питерсон, М.Шмитц. Современные джазовые произведения для разных инструментов. 1996-2008.
5. В. Никитин. «Начинающий джазовый пианист», - М., 1982.
6. Турли муаллифлар. Замонавий эстрада-жаз асарлари. 1996-2008.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т. “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.-488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палатасининг кўчма мажлисидаги нутқ. – Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.-32 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини такомиллаштириш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъзуза. 2016- йил 7-декабрь. Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.-32 б.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. (электрон версияси).

Интернет сайтлари

1. <http://www.voutube.com>.
<http://b2c.uz/catalog/youth/uz/musiqqa>
2. www.musikauz
3. <http://portasound.ru/music-search/musiqqa-olami>